УДК 811.111.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА *“HAND/ҚЎЛ”* КОНЦЕПТИНИНГ НОМИНАТИВ МАЙДОНИ

М.А. Абдувалиев, Х.М. Мамадалиева

Мақола инглиз ва ўзбек тилларида “hand/қўл” концептининг лисоний манзараси, унинг майдоний хусусияти ва майдонни ташкил қилувчи бирликлар ўртасидаги систем муносабатлар тадқиқига бағишланган. Шу нуқтаи назардан “hand”/“қўл” концепти чоғиштирма ва лингво-когнитив тадқиқот объекти сифатида намоён бўлади. Ушбу концептнинг когнитив, семантик-структур, функционал хусусиятлари чоғиштирма планда ўрганилмаганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигидан далолатдир.

Калит сўзлар: *концепт, оламнинг концептуал манзараси, оламнинг лисоний манзараси, номинатив майдон, майдон конституентлари, семантик атрибутлар, тил ва нутқ бирликлари, доминант майдоннинг марказий ва периферия аъзолари.*

Статья посвящена изучению языковой картины концепта «рука» в английском и узбекском языках, его полевой характеристики и системных отношений между единицами, составляющими данное поле. В этом контексте концепт “рука” выступает как объект исследования сравнительной и лингвистической когнитологии. Тот факт, что когнитивные, семантико-структурные, функциональные особенности данного концепта не изучены в сопоставительном плане, свидетельствует об актуальности данной темы исследования.

Ключевые слова: *концепт, языковая картина мира номинативное поле, поля-конституенты, семантические признаки, языковые и речевые единицы, центральные и периферийные члены поля.*

Инсоният пайдо бўлибдики, уни ўраб турган оламни, унинг сир-асрорларини ўрганиш, кашф этиш, бу орқали билим, тажрибаларни орттириш, уларни инсоният манфаатларига хизмат қилишга йўналтириш пайида бўлиб келмоқда. Ушбу когнитив жараёнда инсон борликдаги барча ҳодисаларни кузатади, уларга хос белги-хусусиятларни аниқлайди, уларни бир-бирига қиёслайди ёки чоғиштиради. Бундай тафаккур амаллари орқали инсон нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли, тенг ва тенг бўлмаган хусусиятларни, белгиларни кашф этиб боради. Шу нуқтаи назардан оламни билиш қиёслаш, чоғиштириш, солиштириш ёки таққослашдан бошланади, десак муболаға бўлмайди. Мантиқшунос олим Н.И.Кондаков бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Қиёслаш – объектив борликдаги нарсалар, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлашдир, бошқача айтганда, ҳар қандай предмет ва ҳодисани билиш уни бошқа бир предмет билан қиёслашдан бошланади” [1. Б. 126].

Шунга кўра, қиёслаш ва чоғиштириш усулларини оламнинг когнитив тасвири акс этадиган бир тил ёки бир неча қариндош ва қардош бўлмаган тилларнинг лисоний манзарасига тааллуқли ҳодисалар тадқиқига татбиқ этиш мумкин. Ушбу универсал когнитив амаллар дунё тилларини қиёсан ва чоғиштирма планда тадқиқ этишда аллақачон ўз самарасини бериб улгурган.

Гап лингвистик илмий мулоқотдан муҳим ўрин олган *қиёслаш* ва *чоғиштириш* усуллари ҳақида борар экан, бу терминлар талқинига икки хил ёндашувни кузатиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб тилшунос олимлар (Ж.Б.Бўронов, Г.Ю.Князева, А.Мейе, В.Д.Аракин, В.Г.Гак) ишларида ҳар қандай қариндош ва қариндош бўлмаган тиллардаги лисоний ҳодисалар тадқиқида “қиёслаш усули” (“сравнительный метод”) термини қўлланган. Иккинчи гуруҳ тилшунос олимлар (В.И.Ярцева, Ў.Қ.Юсупов, М.Абдураззақов, А.А.Брагина, С.Исаев, А.В.Михеев, Б.А.Серебренников, И.А.Стернин, А.Е.Супрун, А.В.Федоров, А.А.Филатова, R.Filipovic, R.Lado, P.Riley, М.А.Абдувалиев, Ғ.М.Ҳошимов) *қиёслаш методи* ва *чоғиштириш методи* (“контрастивный метод”) тушунчаларини ўзаро фарқлайдилар. Бу олимлар ўзаро қариндош тиллардаги лисоний ҳодисаларни ўрганишда *қиёслаш* атамасини қўллайдилар; *чоғиштирма* (контрастив) тадқиқот усули деганда эса қариндош бўлмаган турли тил оилалари ва типларига мансуб тиллардаги лисоний ҳодисаларни тадқиқ этишда қўлланадиган назарий ва амалий тадқиқот усулларини тушунадилар. Профессор Ў.Қ.Юсупов шундай ёзади: “Қардош тилларнинг тарихий ривожланиш жараёнини очиб бериш, тилларнинг қариндошлиги, праформа ва пратилларни аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган тиллараро систем қиёслаш, “қиёсий-тарихий метод”, тилшуносликнинг ушбу методдан фойдаланадиган бўлими эса “Қиёсий-тарихий тилшуносик” номини олди” [2. Б. 6].

Профессор Ў.Қ.Юсупов қиёсий тилшунослик тилшуносликнинг тилларни қиёсий планда тадқиқ этувчи бўлими эканлиги ва у қиёсий – тарихий тилшунослик, типология, чоғиштирма лингвистика ва чоғиштирма типология бўлимлардан иборат

экани ҳақида ёзар экан, чоғиштирма лингвистика зиммасида ҳам назарий, ҳам лингводидактик масалаларни ҳал этиш вазифаси туришини алоҳида таъкидлайди. Бундай вазифалар қаторида қуйидагиларни санаб ўтади:

Назарий вазифалар:

1) чоғиштирилаётган тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш;

2) чоғиштирилаётган тилларни алоҳида тадқиқ этишда назарга тушмаган хусусиятларини очиб бериш;

3) чоғиштирилаётган тилларга хос тенденция ва қонуниятларни очиб бериш;

4) чоғиштирилаётган тиллараро систем мувофиқлик ва номувофиқликларни аниқлаш;

5) чоғиштирилаётган тилларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бир-бирларини бойитиш ҳолатларини аниқлаш (улар ўртасида мунтазам алоқалар мавжуд бўлган ҳолларда);

6) имконият даражасида ўхшаш ва фарқли жиҳатларига сабаб бўлган омилларни аниқлаштириш;

7) чоғиштирилаётган тиллар материаллари асосида дедуктив универсалияларни текшириш.

Лингводидактик вазифалар:

1) чоғиштирилаётган тиллар орасидаги мавжуд ўхшашлик ва фарқларнинг методик жиҳатдан релевантлигини аниқлаш;

2) тиллараро интерференция ва фацилитация зоналарини кўрсатиш;

3) тиллараро фарқли жиҳатлар туфайли она тилиси бўлмаган тилни ўрганишда пайдо бўладиган қийинчиликларни аниқлаш;

4) чет тил ўқитишда қиёслаш усулини қўллаш чегараларини аниқлаш [2. Б. 14].

Бизнингча, юқорида санаб ўтилган вазифалар тилларнинг барча сатҳларига хос ҳодисалар тадқиқи жараёнида эътибор марказида бўлса, бу тоифа тадқиқотларнинг назарий ва амалий самарадорлиги юқори бўлади.

Ушбу мақола доирасида кўриб чиқиладиган масала ҳам чоғиштирма тилшуносликка бевосита алоқадор бўлиб, унда *“hand/қўл”* концептининг инглиз ва ўзбек тилларидаги лисоний манзараси, лисоний ифода воситаларининг майдоний хусусияти, майдонни ташкилловчи бирликлар ўртасидаги систем муносабатлар кабиларни тадқиқ этишдан иборат.

“Hand/қўл” концептига қуйидаги ишчи таърифини берамиз: “Hand/қўл” концепти – бу объектив борлиқнинг бир бўлагини ўзида акс эттирган, унга хос муҳим ва иккинчи даражали белги-хусусиятлар тил эгалари миллий хотирасидан ўрин олган, ҳиссий образ сифатида намоён бўлган, унга берилган ижобий, салбий ёки нейтрал баҳолар мажмуидир.

“Қўл” концепти инглиз, ўзбек, немис, рус ва бошқа халқлар концептосферасидан муҳим ўрин олган ментал бирликдир. Бошқа турли концептлар каби “қўл” концепти тартиблашган ички структурага эга бўлиб, унга хос белги-хусусиятлар макро- ва микромайдончаларни ташкил этади. Инсон ёки жамоа онгида мавжуд бўлган “қўл” концептига хос хусусиятларни новербал концептуал атрибутлар деб ҳисоблаймиз. Мазкур концептнинг вербаллашган, коммуникатив жиҳатдан релевант бўлган қисмини эса вербал концептуал атрибут ёки атрибутлар деб атаймиз. Шуни таъкидлаш лозимки, “қўл” ёки бошқа концептларнинг барча белги-хусусиятлари бир вақтнинг ўзида вербаллашуви мумкин дейиш мантиқан тўғри эмас. Чунки вербал мулоқот чоғида мулоқот контексти учун зарур бўлган белги-хусусият лисоний либос олади, холос. А.П.Бабушкин ва И.А.Стернин бу борада шундай ёзадилар: “Концептнинг вербаллашган ёки вербаллашмаганлигининг сабаби айнан коммуникативликдир. Концептнинг вербаллашуви ёки вербаллашмаганлиги унинг тафаккур бирлиги сифатида онгда реал мавжудлигига таъсир этмайди. Онгда вербаллашмаган концептлар жуда ҳам кўп” [3. Б. 3–4].

“Қўл” концептининг структураси ва мазмуни миллийлик касб этиши боис ушбу концептнинг мазмун-мундарижаси, унинг лисоний манзараси масалаларини қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар мисолида тадқиқ этиш нафақат лингвистик концептология учун, балки тил умумий назарияси, чоғиштирма лингвокультурология учун ҳам қимматли ва аҳамиятли натижалар бериши шубҳасиз.

Қўл инсон ҳаёти ва фаолиятининг ажаралмас қисми бўлиб, усиз инсоннинг хатти-ҳаракатлари, яратувчилик фаолияти самарали бўлиши амри маҳол. Чунки биз қўлларимиз ёрдамида турли нарсаларни ясаймиз, ҳаёт учун, эҳтиёжларни қондириш учун зарур нарсаларни яратамиз, егуликлар тайёрлаймиз, алоқа қиламиз, муносабат билдирамиз ва ҳоказолар. Шу нуқтаи назардан қўл соматизми унга ёндош бўлган бошқа соматизмлар орасида кўп маънолилиги, кўп вазифалилиги билан алоҳида ўрин тутади. Қўл соматизми “қўл” концептининг асосини ташкил этувчи аъзо ҳисобланади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги турли изоҳли луғатларда “қўл” сўзига турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Масалан, А.С.Хорнби “Oxford Advanced learner`s Dictionary of Current English” (“Оксфорд замонавий инглиз тилини ўрганувчилар луғати”) номли изоҳли луғатида *hand* лексемасига от сўз туркуми сифатида қуйидаги таъриф берилган: “part of body 1 [C] the part of the body at the end of the arm, including the fingers and thumb: Keep both hands on the steering wheel at all times; He killed the snake with his bare hands” [4. Б. 580]. Мазкур луғатда “hand” (*noun*) сўзининг 11 хил маъноси келтирилган. Булар қуйидагилар: – handed 2 (in adjectives) using the hand or number of hands mentioned: one – handed catch, left – handed scissors (= intended to be held in your left hand. Help 3 (a hand) [sing.] (informal) help in doing sth: The neighbours are always willing to lend a hand. Role in situation 4 [sing], ~ in sth the part or role that sb / sth plays in a

particular situation, sb's influene in a situation: This appointment was an attempt to strengthen her hand in policy discussions. On clock / watch 5 [C] usually in compounds a part of a clock or watch that points to the numbers – see also Hour hand, Minute Hand, second Hand; Worker 6 [C] a person who does physical work on a farm or in a factory – sec also chargehand, Forehand, Hired Hand, stage hand; sailor 7 [C] a sailor on a ship! All hands on deck!; Hand – g (in compounds) by a person rather than a machine: hand – painted pottery, hand knitted; in card games 9 [C] a set of playing cards given to one player in a game: to be dealt a good / bad hand 10 [C] one stage of a game of cards: I'll have to leave after this hand; Writing 11 [sing] (old use) a particular style of writing; measurement for Horse. 12 [C] a unit for measuring the height of a horse, equal to 4 inches or 10.16 centimetres – see also hand, old hand, second hand, underhand [4. Б. 581–584].

Луғатда *hand* оти қўлланган 40 та идиома ва уларнинг маънолари ҳам берилган. Масалан, bind / tie sb hand and foot, to tie sb's hands and feet together so that they can not move or escape. 2 to prevent sb from doing what they want by creating rules, restrictions, etc by hand; get your hands dirty to do physical work: He's not frightened of getting his hands dirty; sbs hand (in marriage) (old – fashioned) permission to marry sb, especially a woman: He asked the general for his daughters hand in marriage, (get) take your hands (sth / sb) (spoken) used to tell sb. not to touch sth / sb: Get your hands off my wife! [4. Б. 582].

Hand сўзи феъллик хусусиятига ҳам эга эканлиги таъкидланади: ~ sth to sb ~ sth to pass or give sth to sb: She handed me the letter. Шунингдек, луғатда 2 та феълли идиома, 11 та фразеологик бирлик ва уларга хос маънолар кўрсатиб берилган. Масалан, hand sth to sb on a plate (imformal) to give sth to sb without the person concerned making any effort: Nobody's going to hand you success on a plate (Idiom) have (got) to hand it to sb (informal) used to say that sb deserves praise for sth: You've got to hand it to her – She's a great cook (idiom); hand sth around (round to offer or pass sth, especially food or drinks, to all the people in a group, hand sb / sth over (to sb) to give sth / sb officially or formally to another person: He handed over a cheque for $ 200.000. [4. Б. 583].

Шуниси эътиборга лойиқки, луғатда *touch* (тегмоқ, туртмоқ, қўл тегизмоқ) ва *hold* (ушлаб турмоқ) қаторида тегиниш, *ушлаб* (тутиб) туришнинг турли йўлларини ифода этган феъллар ҳам санаб ўтилган. Булар *fecl* (қўли билан сезмоқ, ҳис қилмоқ); *finger* (қўл билан тегмоқ), (handle) сопидан ушламоқ, қўл билан ушламоқ); *rub* (суртмоқ, суркамоқ, уқаламоқ, ишқаламоқ, ишқамоқ, артмоқ, ўчирмоқ); *stroke* (қўли билан силамоқ), *pat* тарсиллатиб урмоқ, шапалоқ солмоқ, *squeeze* (сиқмоқ, қисмоқ); *hold:* grab (тортиб, юлиб олмоқ); *snatch* (ушламоқ, тутмоқ, узиб, юлиб олмоқ); *clutch* (маҳкам ушлаб олмоқ, тутиб олмоқ); *grasp* (ушламоқ, чангалламоқ, тутмоқ); *grip* (сиқмоқ, ушламоқ) кабилардир. Ушбу феъллар қаторида *scratch* (қашламоқ), *massage* (силамоқ, уқаламоқ), *pinch tweak* (чимчиламоқ) *applaud* (қарсак чалмоқ), *smooth* (силамоқ, силлиқламоқ), *throw* (отмоқ, ирғитмоқ, улоқтирмоқ, ташлаб юбормоқ, ташламоқ), *slap* (шапалоқламоқ), *crumple* (ғижимламоқ) кабилар ҳам бор. Масалан: *Sarie touched Lanny's face* (Abrahams, 203) *Tom grasped my hand and shook it warmly.*

Таҳлиллар туб от, феъл сўз туркумларидан ташқари қўшма, қўшма-ясама ва ясама морфологик (hand) таркибли сўзлар мавжудлигини кўрсатди: handbag (от, N + N = N), hand baggage (Am.E), hand luggage (Br.E) (ot N + N =N), hand ball (от, N + N = N) handicapped (Adj + P II = Adj), handling (от N + suf = N), handler (N + er = N), handily (Adj + - ly = Adv), handful (N + suf = N), handler (N + er = N), handmade (N + V past sim. = Adj), At night she brought home papers with handwriting on them and made copies with her typewriter (O.Henry, 7). Is the handbrake on!, Only a handful of people came to the ceremony, Hand made furniture is cheaper here; It is impossible to read his label on the box said: "Fragile, Handle with care".

Фактик материаллар таҳлили *hand* концепти сўз бирикмалари орқали ҳам вербаллашишини кўрсатди: *to raise one's hands, to raise one's arm to put one's hand (s) on smth, to hand sth to sb, with bare hands, to rub one's eyes, to squeeze one's hand, to shake hands кабилар: These two detectives would rush in and handcuff him…* (Jerome K.Jerome, 83) *I signed the receipt and the Mayor handed me the money* (O.Henry, 35). *Soames extended his finger and thumb, as if measuring the extent of the distinction he should acquire* (Galsworthy, 110)

Рус тилшуноси А.В.Кунин "Инглизча-русча фразеологик луғати" ("Англо-русский фразеологический словарь") номли луғатида "hand" компонентли фразеологизмлар сони 234 тани ташкил этганлигини кўриш мумкин [5. Б. 417–438]: *at hand* – яқин, ёнма-ён, қўл узатса етадиган, бурнининг тагида; *bind somebody hand and foot* – кимнингдир оёқ-қўлини боғлаб қўймоқ, *change hands* – бошқа қўлларга ўтмоқ, қўлдан-қўлга ўтмоқ, *dead hand* – юр. "Ўлик қўл", кўчмас мулкка эгалик қиладиган, лекин уни бошқа бировга ўтказиш ҳуқуқидан маҳрум юридик шахс, *fold one's hands* – қўл қовуштириб ўтирмоқ, ҳаракатсизлик; *I wash my hands of it* (Galsworthy, 48). *Living, as he does, from hand to mouth, nothing is good for him to eat…* (Galsworthy, 201).

Паремалар, яъни мақол ва ҳикматли сўзлар ҳам "hand" концепти лисоний ифода воситалари қаторига кириши қуйидаги мисолларда кўринади: *Not to let one's left hand know what one's right hand does* ("Ўнг қўл нима қилаётганини чап қўл билмасин"); Put *not your hand between the bark and the tree* ("Эр ва хотиннинг орасига тушма", "Бировларнинг оилавий ишларига аралашма"); *An empty hand is no lure for a hawk* ("Қуруқ қўл оғиз йиртар"; "Қуруқ гап билан қорин тўймайди").

Кузатишларимиз асосида содда, мураккаб, қўшма таркибли гаплар ҳам “hand” концепти вербализаторлари сирасига киради, деган хулосага келдик: Масалан, *“Let me see your hand” he said* (O.Henry, 49) *She clutched his hands* (*Abrahams, 127*), “*Im sure he’s the handwork of white superiority* (Abrahams, 94). Юқори синтактик бирлик бўлмиш текст ҳам “hand” концепти вербализатори бўлиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда матн таркиби камида иккита ёки ундан ортиқ бир-бирига мазмунан боғланган гаплардан иборат бўлади. Масалан, *The more we peeled, the more peel there seemed to be left on; by the time we had got all the peel off and all the eyes out, there was no potato left. George came and had a look at, it – it was about the size of pea – nut. He said: “Oh, that won’t do! You are wasting them”. You must scrape them* (Jerome K.Jerome, 110). *She jumped up and held out her hands. Lanny gripped them and heaved himself up. They stood at each other holding hands* (Abrahams, 203) The number of left – handed people is not great. Mostly such people use their left hands while writing, eating and working. They use left handed scissors. Left – handed people are usually skillful at making or doing things with their left hands (Abrahams, 203) .

Шу ўринда қўлнинг турли ҳаракатлари орқали (новербал) ифодаланадиган маънолар ҳам мавжудлиги ва улар вербал мулоқотнинг муҳим таркибий қисми сифатида аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим. Қўлни кўксига қўйиш, қўлни мушт ҳолда тутиш, қўлни силкитиш, икки қўлини тепага кўтариш ва бошқа шу каби ҳаракатлар инсонларнинг мулоқот чоғидаги турли эмоционал ҳолатлари (ҳурмат, ғазаб, норозилик)ни жонли тасвирлашга ёрдам беради: Their proposals were given thumbs down; The company just thumbs its nose at the legislation on pollution; The boy’s gave his opponents the finger (Am.E. to raise your middle finger in the air with the back part of your hand facing sb. done to be rude to sb or to show them you are angry) (OALD, 2000, 476).

Қуйида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” [6], “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати” [7. Б.363] ва бошқа манбаларга таянган ҳолда “*қўл*” сўзининг маъноларини кўриб чиқамиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ***қўл***га “1.Одамнинг бармоқ учларидан елкасигача бўлган қисми, аъзоси” [6. Б. 402] деб изоҳ берилган, Луғатда ушбу сўзнинг 9 та маъноси фарқланган: “2. Шу аъзонинг билакдан бармоқлар учигача бўлган қисми; панжа. *Қози домла қўлларини ува туриб, дастурхонга кўз югуртирди*. (М.Исмоилив, “Фарғона тонг отгунча”); 3. Иш-меҳнат бажарувчи аъзо (восита) сифатида: қўлим банд” [6. Б. 402]; “4. Ҳайвонларнинг олдинги оёқлари. *Қўйнинг қўли ва сони, қўл гўшти* [6. Б. 402]; 5. Бармоқ. *Беш қўл баравар эмас* (Мақол); 6. Ҳар кимнинг ўзига хос ёзув усули, услуби, ёзуви, хати ва унинг ифодаси. *Қутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди: - Виждонсиз иблис, деб қўйди* (А.Қодирий, “Ўтган кунлар”); 7. Имзо. Омборчи: – Бўта қўл қўймаган қоғозни қоғоз демайман, - деб катта кетворди (С.Аҳмад, “Ҳукм”); 8. Ҳар кимнинг ўзига хос иш усули, услуби, иши, хатти-ҳаракати, шуни акс эттирувчи ифода. *Бинонинг ички деворларига нақшлар солинган. Эшиклар ва деразалар шарқона. Бу ишда Носиржон устанинг қўли борлиги кўриниб турибди*; 9. Имконият: *Ўйлаб қарасам, дўппи тор экан. Каттароқ иш қилишга қўлимиз калта экан* (И.Раҳим, “Ихлос”); 10. III шахс эгалик ҳамда жўналиш келишиги, ўринпайт келишиги шаклида кўмакчи вазифасида: *қўлига, қўлида*) *Агарда хон кўтариш менинг қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим* (А.Қодирий, “Ўтган кунлар”).

Таҳлиллар ўзбек тилида *қўл* семасига эга феъллар талайгина эканлигини кўрсатди. Бундай феъллар жумласига *силамоқ, ушламоқ, тутмоқ, чанг солмоқ, уқаламоқ, тирнамоқ, ғижимламоқ, чимчиламоқ, қашламоқ, муштлашмоқ, бўғмоқ, сиқмоқ* ва бошқаларни киритиш мумкин: *Бошимни силашга бир меҳрибон қўл, бир оғиз ширин сўз нондек арзанда* (Ғ.Ғулом, “Сен етим эмассан”); *Улар яккама-якка муштлашишди*.

Компонент таҳлил методи ўзбек тилида “қўл” концепти ясама, қўшма, қўшма ясама сўзлар орқали ҳам ифодаланиши мумкинлигини кўрсатди. Масалан, *қўлли, қўлсиз* (сифат), *қўл-оёқли* (сифат), *қўлқанот, қўлқоп, қўларра* (от), *қўлантаёқ, қўллаб* (равиш), *қўлма-қўл* (равиш): *Қўлсиз нима ҳам қила олардим:. Оллоҳга шукур, қўл-оёқли келиним бор. Ташвишим йўқ, китоб қўлма-қўл бўлиб кетди. Бизнинг қўлбоғ, гаврапўш, сумак, тувак ҳам қовузлик бешик* (Чустий).

Шуни таъкидлаш лозимки, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар *қўл* концептуал семантикасини ифодалашда фаоллик касб этадилар. Масалан, бақувват қўллар, икки қўлини кўтармоқ, қўл кучи, қўлини қайирмоқ, қўл бериб кўришмоқ, қўл билан ушламоқ, қўл ювмоқ, қўлидан олмоқ, ўнг қўл, чап (сўл) қўл; қўли калта (чекланган имкониятига эга, қурби етмайдиган), қўлини ювиб, қўлтиғига урмоқ (ихлоси қайтиб, ишонмай қўйиб, диққат-эътиборидан соқит қилмоқ), қўли юпқа (камбағал, қашшоқ): *Доктор уни қўл учидагина кўрди, дори бермади, тайинли бир гап ҳам айтмади* (А.Қаххор, “Қўшчинор чироқлари”).

Инглиз тилидаги каби ўзбек тилида ҳам паремалар орасида “қўл” концепти семантикасига эга бирликлар аниқланди. *Қўли очиқнинг йўли очиқ* (мақол); *Адолат қиличи кесган қўл оғримас* (мақол).

Ҳар иккала тилда, шунингдек, мазкур концепт *қўл* семали паралингвистик воситалар орқали ҳам ўз ифодасини топиши мумкин: to show one’s middle finger, hand shake, handi – dandy, to shake hands with sb., to lift a hand, to raise a hand. Кўрсаткич бармоғи билан кўрсатмоқ, муштламоқ, бошини қашламоқ, қўлини кўтармоқ: *Her arm fell back limply* (O.Henry, 9). *There was tears in his eyes when he*

shook hands (O.Henry, 96). *She clenched her fists till her nails ate into her palms and blood showed* (Abrahams, 196). *У эмасми! – қўлини пахса қилиб қичқирди Ёрмат* (Ойбек, “Қутлуғ қон”, 253-бет).

Фактик материаллар таҳлили *қўл* концепти лисоний вербализаторлари мақомига содда, мураккаб, қўшма ва кўчирма гаплар эга бўлиши мумкинлигини кўрсатди: *Пешонасини қашиди* (Ойбек, “Қутлуғ қон”, 249-бет). *Султонмурод салом-алик билан чекланиб, ўтиб кетмоққа тиришса ҳам, Шаҳобиддин унинг елкасига қўлини қўйиб, тутиб қолди* (Ойбек, “Навоий”, 292-бет).

Бир неча мазмунан боғланган гаплар мажмуи (у макрематн ёки микрематн бўлиши мумкин) орқали ҳам “қўл” концепти мазмун-мундарижасини ташкил этувчи семалар лисоний ифодасини топишини қуйидаги мисоллар орқали далиллаймиз: *As she lay on her back, she tried twice to raise her arm. The third time she got two thin fingers to her lips and blew a kiss out of the black pit to Billy Jackson. Her arm fell back limply* (O.Henry, “The skylight room and other stories”, 9). *Ферма қураман, ҳаммом соламан, клуб қиламан. Эҳ, ҳозир қўл калталик қилиб турибди* (Ҳ.Нўъмон, “Ёшликда берган кўнгил”); *Қамчини аста қўйиб юборди-да секингина ўрнидан турди. Аммо қўл қовуштирмай, яна лоқайд қолди. Бир қўлида чилим, бир қўлида чойнак кўтариб, йўл устида чойхоначи югурдаги туради* (Ойбек, “Қутлуғ қон”, 279-бет).

Шуниси қизиқарлики, ўзбек тилида қўл сўзининг III шахс эгалик ва жўналиш келишиги, ўрин пайт келишиги шакллари бўлмиш *қўлига* ва *қўлида* сўзлари кўмакчи вазифасида келганда ҳам уларнинг маъносида “қўл” семаси мавжудлиги англашилиб туради: *Киши тақдири ўз қўлида*.

Демак, чоғиштиралаётган тилларда *қўл* концепти лексик, фразеологик, морфологик, синтактик ва паралингвистик (новербал) бирликлар орқали лисоний манзара олар экан. Сўз туркумлари нуқтаи назаридан ушбу концепт от, феъл, сифат ва равиш сўз туркумларига мансуб лексемалар орқали ифодаланади. Улар борасида амалга оширилган статистик таҳлил қуйидаги натижаларни берди:

Инглиз тилида

№	**Сўз туркумлари**	***Қўл* семали сўзлар сони**	**%**
1	От	38	
2	Феъл	57	
3	Сифат	23	
4	Равиш	2	
5	Кўмакчи		
	Жами:	120	

Ўзбек тилида

№	**Сўз туркумлари**	***Қўл* семаси сўзлар сони**	**%**
1	От	23	
2	Феъл	64	
3	Сифат	16	
4	Равиш	3	
5	Кўмакчи	2	
		108	

Жадвалдан кўриниб турибдики, инглиз ва ўзбек тиллари сўз туркумлари орасида қўл семантикасини ифода этишда феъл сўз туркуми доминант – вербализатор мақомида бўлса, унинг иккинчи поғонасидан от сўз туркуми, учинчи ва тўртинчи поғонасидан сифат ва равиш сўз туркумлари ўрин олган. Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида кўмакчи ҳам *қўл* семасига эга.

Юқорида таҳлилга тортилган луғатлар ва турли услубларга хос матнлар таҳлили қуйидаги натижаларни кўрсатди:

Инглиз тилида

№	Лисоний бирликлар	Қўл семантикасига эга бирликлар сони	%
1	Фразема	272	
2	Фразоема	234	
3	Лексема	120	
4	Сентенсема	64	
5	Морфема	33	
6	Парема	11	
7	Текстема	8	
8	Паралингвоема	4	
	Жами:	746	100 %

Ўзбек тилида

№	Лисоний бирликлар	Қўл семантикасига эга бирликлар сони	%
1	Фразема	223	
2	Фразоема	184	
3	Лексема	168	
4	Сентенсема	71	
5	Морфема	45	
6	Парема	19	
7	Текстема	14	
8	Паралингвоема	7	
	Жами:	721	100 %

Статистик таҳлил натижаларига асосланган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, “қўл” концепти лисоний манзарасини ташкил этувчи бирликлар орасида фраземалар (хусусан, феълли фраземалар) ва фразоема (феълли фраземалар) доминантлик мақомига эга.

Лексема ва сентенсемалар ушбу таркибда иккинчи ва учинчи поғонани, морфема, парема ва текстемалар тўртинчи, бешинчи ва олтинчи поғонани, паралингвоемалар эса сўнгги поғонани эгаллаган.

Юқорида санаб ўтилган лисоний бирликларни “қўл” концептининг лисоний номинатив бирликлари деб атаймиз. Бу бирликлар “қўл” концептига хос маъно ва семаларнинг миллий лисоний ифода воситаларидир.

“Қўл” концепти вербализаторлари “қўл” архисемасига (у от орқали ифодаланган) таянган ҳолда бир майдонни ташкил этадилар. Бу майдонни биз қўл концептининг номинатив майдони деб атаймиз. Бу майдон турли тил сатҳларига мансуб бирликлар мажмуидан иборатдир. Кўриниб турибдики, *қўл* номинатив майдони мазмун ва ифода планига эга. Ушбу майдонни ташкил қилувчи бирликлар “қўл” концептига хос у ёки бу белги-хусусиятлар ифодаси учун хосланган бўлади. Бошқа сўзлар билан айтадиган бўлсак, ушбу ментал бирликнинг барча белги-хусусиятлари ва семантикасини ифодалайдиган ягона бирликнинг бўлиши амри маҳол.

Майдонни ташкил қилувчи бирликлар унинг марказида турувчи *hand/қўл* архисемаси атрофидан жой оладилар. Лингвокогнитив, функционал-семантик таҳлилларга таянган ҳолда *hand/қўл* номинатив майдонини доминанта, ядро ва периферия қисмларга ажратдик. Яъни чоғиштирилаётган тилларда майдон доминантаси мақомига фраземалар (феълли сўз бирикмалари), унинг ядросини фразоема, лексема ва сентенсемалар, перифериясини эса морфема, парема, текстема ва паралингвоемалар ташкил этади.

Чоғиштирилган “hand” ва “қўл” концептлари белги-хусусиятлари, мазмун мундарижасидаги фарқли жиҳатлар инглиз ва ўзбек тиллари лисоний манзарасида ҳам ўз ифодасини топади. Бу ҳол турли маданият ва халқлар оламни ўзига хос кўриш, идрок этиш, тасаввур ва образ ҳосил қилиш тарзи, олам ва ундаги нарсаларни категориялаштириш, концептуаллаштириш ва номлаш борасида тарихий ва миллий анъаналарга эгалигидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. *Кондаков Н.И.* Логика. – Москва: Учпедгиз, 1954. – 524 с.
2. *Юсупов У.К.* Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007. – 127 с.
3. *Бабушкин А.П., Стернин И.А*. Когнитивная лингвистика и семасиология. – Воронеж: ООО “Ритм”, 2018. – 229 с.
4. *Hornby A.S*.Oxford Advanced Learner's Dictionary Of Current English. В 2 томах. – Oxford: Oxford University Press, 2000. – 1539.
5. *Кунин А.В*. Англо-русский фразеологический словарь. В двух книгах. Том 1. – Москва: Советская энциклопедия, 1967. – 740 с.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. – 424 б.
7. *Раҳматуллаев Ш.* Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 408 б.
8. *Бабушкин А.П.* Типы концептов в лексико – фразеологической семантике языка. – Воронеж, Издательство Воронежского государственного университета, 1996. – 106 с.
9. *Bo‘tayev Sh*. English – Uzbek, Uzbek – English Dictionary. – Tashkent: “O‘qituvchi” nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2013. – 878 c.
10. *Карасик В.И.* Языковой круг: Личность, концепты, дискурс. –Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.
11. *Крючкова Н.В.* Лингвокультурное варьирование концептов. – Саратов: Научная книга, 2005. – 164 с.
12. *Попова З.Д., Стернин И.А*. Когнитивная лингвистика. – Москва: АСТ-Восток-Запад, 2007. – 314 с.
13. Сафаров Ш. Когнитив лингвистика. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. – 92 б.
14. *Попова З.Д., Стернин И.А.* Полевая модель концепта // В кн.: Введение в когнитивную лингвистику. – Кемерово: Кузбассвузиздат, 2005. – 220 с.
15. *Хашимов Ғ.М.* К Теории метаязыка транслатологии // “Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив – прагматик ва лингвокультурологик аспектлари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами Андижон: “Andijon nashriyoti – matbaa МЧЖ”, 2015. – Б. 21–25.
16. *Юсупов Ў.Қ.* Концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида. “Қиёсий-чоғиштирма, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Андижан, 2010. – Б.9–15.

THE NOMINATIVE FIELD OF THE CONCEPT OF “HAND” / “ҚЎЛ” IN ENGLISH AND UZBEK

M.A. Abduvaliev[1], X.M. Mamadalieva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 87-95.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: concept, cognitive picture of the world, linguistic picture of the world, nominative field, field constituents, semantic attribute(s), language and speech units, dominant, central and periphery members of the field.

The article is devoted to the study of the linguistic picture of the concept of “hand”/“қўл”, field nature and system relations of the constituents of the field in English and Uzbek.

From this point of view the concept of “hand”/“қўл” can be the object of both contrastive and cognitive linguistics. The actuality of the theme can be explained by the fact that cognitive structural – semantic and functional peculiarities of language means have not still been the object of contrastive studies.

The concept of “hand”/“қўл” as a part of the objective reality possesses certain specific essential and secondary features which are kept in the national memory of the language owners forming certain images, including positive, negative and neutral evaluations. The concept of “hand қўл” is a universal mental unit which occupies an essential place within the conceptosphere of world languages. Essential features that appear in the individual and social mind can be called conceptual attributes of hand / қўл. Verbalized and communicatively relevant part or parts of the concept we name as verbal conceptual attribute or attributes. Verbalization or non -verbalization of the attributes depend on the need of the verbal communication.

Empiric observations showed that the semantic structure and linguistic forms of expression differ from nation to nation. Our studies let us determine the following verbalizers in English and Uzbek: lexemes (words, phraseological units, paremies), syntaxemes (word combinations, sentences, micro and macro texts) and paralinguistic means. They make up the nominative field of the concept of “hand”/ “қўл” They have differen semantics, functional tasks and form the linguistic picture of the world. The constituent parts of the field occupy different positions within the field. Usually depends on how this or that constituent expresses the conceptual meaning brightly, frequency of it the speech communication and the degree of specialization.

Among parts of speech the verb is considered to be the dominant in English and Uzbek.

Statistic and componential analysis showed that word combinations (phrasemes) occupy the centre of the field as the dominant, phraseological units, sentences and words – the central, morphemes, texts, proverbs and sayings, paralinguistic means the periphery zone of the field.

The existing difference in the semantics and linguistic picture of the concept of “hand”/“қўл” of the English and Uzbek languages prove the fact once again that different nations with different cultures see, perceive and imagine the surrounding us world differently, they have their own mode of categorization and conceptualization which is based on the historical and national traditions.

References:

1. Kondakov, N.I. (1954) Logika [Logics]. Moscow: Uchpedgiz.

2. Yusupov, U.K. (2007) Teoreticheskie osnovy sopostavitel'noj lingvistiki [Theoretical foundations of contrastive linguistics]. Tashkent: Fan.

3. Babushkin, A.P., Sternin, I.A. (2018) Kognitivnaya lingvistika i semasiologiya [Cognitive linguistics and semasiology]. Voronezh: OOO “Ritm”.

4. Hornby, A.S. (2000). Oxford Advanced Learner's Dictionary Of Current English. In 2 volumes. Oxford: Oxford University Press.

5. Kunin, A.V. (1967) Anglo-russkij frazeologicheskij slovar' [English-Russian Phraseological Dictionary]. In 2 volumes. Vol. 1. Moscow: Sovetskaya enciklopediya.

6. Madvaliev, A. (ed.) (2020) O‘zbek tilining izohli lug‘ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 5-volumes. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi.

7. Rahmatullaev, Sh. (1978) O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati [Explanatory phraselogical Dictionary of the Uzbek Language]. Tashkent: O‘qituvchi.

8. Babushkin, A.P. (1996) Tipy konceptov v leksiko – frazeologicheskoj semantike yazyka [Types of concepts in lexico-phraseological semantics of the language]. Voronezh, Izdatel'stvo Voronezhskogo gosudarstvennogo universiteta.

9. Bo‘tayev, Sh. (2013) English – Uzbek, Uzbek – English Dictionary. Tashkent: “O‘qituvchi” nashriyot – matbaa ijodiy uyi.

10. Karasik, V.I. (2002) Yazykovoj krug: Lichnost', koncepty, diskurs [Language circle: personality, concepts, discourse]. Volgograd: Peremena.

11. Kryuchkova, N.V. (2005) Lingvokul'turnoe var'irovanie konceptov [Linguacultural variations of concepts]. Saratov: Nauchnaya kniga.

12. Popova, Z.D., Sternin, I.A. (2007) Kognitivnaya lingvistika [Cognitive linguistics]. Moscow: AST-Vostok-Zapad.

13.Safarov, Sh. (2006) Kognitiv lingvistika [Cognitive linguistics]. Jizzax: “Sangzor” nashriyoti.

14. Popova, Z.D., Sternin, I.A. (2005) Polevaya model' koncepta [Field model of the concept]. In: Vvedenie v kognitivnuyu lingvistiku [Introduction to Cognitive linguistics]. Kemerovo: Kuzbassvuzizdat.

15. Hashimov, G‘.M. (2015) K Teorii metayazyka translatologii [To the theory of the metalanguage of translatology]. In: ‘Tarjimaning lingvokognitiv, kommunikativ-pragmatik va lingvokulturologik aspektlari’ [Linguocognitive, communicative pragmatic and linguacultural aspects of translation.]. Materials of the republican scientific and practical conference. Andijan: “Andijon nashriyoti-matbaa MCHJ”. Pp. 21-25.

16. Yusupov, O‘.Q. (2010) Konsept va lingvokulturema atamalari xususida [On the terms concept and Linguocultureme]. In: ‘Qiyosiy-chog‘ishtirma, tipologik va umumiy tilshunoslikning dolzarb muammolari’ [Problems of comparative – contrastive, typological and general linguistics]. Materials of the republican scientific and practical conference. Andijan. Pp. 9-15.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

АБДУВАЛИЕВ Махаматжон Арабович – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти. E-mail: muhammadjon58@mail.ru

МАМАДАЛИЕВА Хабибахон Мухиддин қизи – Андижон давлат университети Педагогика институти Чет тилларни ўқитиш методикаси кафедраси магистранти. E-mail: xabibiy1997@mail.ru